

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 46 (66275)

2000 йил 16 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Халқимиз умрни оқар дарёга қиёслайди. Ҳақиқатдан ҳам инсон ўз умрининг қаңчалик тез ўтиб кетганини сезмай қолар экан.

Мактаб остонасига илк бор қадам қўйганимга ҳам 11 йил бўлди. Юрт-бошимиз бизга

Магимизни ўз қўлимизга топшириб қўйганлар. Бу ишончли оқлаш учун илм излашдан, ўқишдан ҳеч қачон толмагаймиз. Буюк юртнинг соғлом фарзандлари эканмиз, умид учқунларимиз ҳеч қачон сўнмагай.

Лекин умрни, ёшликни орқага қайтариб бўлмас экан.

Дунёда барча нарсани қайтариш инсоннинг қўлидан келар экану, аммо ўз ўтмишини қайтара олмас экан. Шундай экан, ёшлик давримиз қадрига етайлик.

Мангу ёшлик маскани қайда?
Қайдадир ҳазонни билмаган баҳор?
Не учун ховлиқиб оқувчи сойда,
Инсон ҳаётининг қайтмас сеҳри бор?!

Замирахон ФАНИЕВА,
Самарқанд вилояти, Қўшрабат туманидаги
55-ўрта мактабнинг
11-синф ўқувчиси.

МАНГУ ЁШЛИК МАСКАНИ ҚАЙДА?



ОҚЛАЙЛИК ЎЗ БУРЧИМИЗ

Кузги таътил кунлари давомида кўпгина мактабларда фан олимпиадалари қизгин давом этди. Шу жумладан бизнинг мактабимизда ҳам.

8-«А» синф ўқувчиларидан Зиёда Муҳаммаджонова она тили ва адабиётдан, 8-«Б» синф ўқувчиси Азиза Усмонова тарих фанидан, 11-«А» синфдан Азиза Аъзамова рус тили фанидан юқори кўрсаткичларга эришишди. Мен ҳам она тили ва адабиёт фанидан иштирок этдим.

Олимпиада мусобақалари билимимизни мустаҳкамлаб, билим чўққиларига етаклади.

Аъло ўқиб ўқишда
Синадик ўз кучимиз,
«Соғлом авлод» йилида
Оқладик ўз бурчимиз.

Хуршида НИЁЗОВА,
Яккасарой туманидаги
144- мактабнинг
8-«Б» синф ўқувчиси.

МЕНР КО'ЗДА, DEYDILAR

Men 4-sinfda o'qiyman. Birinchi chorakni to'rt va besh baholar bilan yakunladim. Ta'til davrida onajonim bizga katta sovg'a olib keldilar. Bu sovg'adan faqat men emas ukalarim ham xursand bo'lishdi. Hozir bu sovg'a talash. Hatto xolajonimning qizlari yetti yoshli Nilufar ham «Menga ber» deb xarxasha qiladi.

Axir chaqaloq ko'tarishni kichkina bolalarga ishonishmaydi-da.

Buvijonim chaqaloqqa Umida deb ism qo'yдилar. Hozir mening uch ukam va bir singlim bor.

To'g'ri, oldiniga qiz chaqaloqni uncha xohlamagandim. Biroq jajjigina singilchamni ko'rdimu, unga mehrim ortdi. Shunda buvijonim «Endi sening ham singling bor. Uni juda yaxshi ko'rib qolding-a. Shuni aytadilarda, mehr ko'zda bo'ladi deb», dedilar.

Katola TILLAYEVA,
Toshkent shahar, Yunusobod
tumanidagi 9-maktabning
4- «B» sinf o'quvchisi.

ЎН БОЛАГА БИТТАДАН ГАЗЕТА,-

дейди Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи **ТОЖИЕВ Олег Аҳмедович.**

-Вилоятимизда 892 та мактабда 522 минг нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Бари билимга чанқоқ, илмга интилувчан ёшлар. Ўқувчиларимиз орасида иқтидорлилари ҳам талайгина. АКСЕС йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган ўқитувчи ва ўқувчиларимиз ҳам талайгина. Улар чет элларда ўқиб, билим ва малакаларини бойитиб, ҳатто ғолибликни қўлга киритиб, мактаблари учун компьютер ҳам олиб қайтишди.

Вилоятимиздаги 28 та мактабда корейс тили ўқитилади. Яқинда республикамизда фаолият кўрсатаётган Жанубий Корея таълим маркази томонидан эълон қилинган «Кўрик-танловда ҳам талайгина ўқувчиларимиз ғолиб деб топилдилар. Юқори Чирчиқ туманидаги 19-мактабнинг си Сайёра Исмоилова, Цой Ада, 16-мактабдан Ли Дианалар корейс халқининг маданияти, урф-одатларини яхши билганликлари туфайли Сеул шаҳрига саёхатга бориб келишди.

Танловда ғолиб чиқиб, Кореяга сафарга отланган Сайёра исмли қизимизнинг синглиси Саида Исмоилова АКСЕС йўналишида ғолиб деб топилиб, Юқори Чирчиқ туманидаги 16-мактабнинг 2 нафар, Тошкент туманидаги 36-мактабнинг 2 нафар ўқувчиси билан биргаликда Америкага ўқишга жўнаб кетди.

Кўплаб ўқувчиларимизнинг республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаганликлари уларга таълим-тарбия бераётган устозларининг тинимсиз меҳнатлари самарасидир. Паркент туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Алишер Аъзамов ўзбек тили фани бўйича 100 балл тўплаб, 1-ўринни қўлга киритган бўлса, Оққўрғон туманидан Дилфуза Ражабова биология фани бўйича ғолиб бўлди. Қозоқ тили фани бўйича 94 балл тўплаган Юлдуз Хайназарова, физика фанидан 90 балл тўплаб, мутлоқ ғолиб деб топилган Чиноз туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Шавкат Эргашевлар ҳам олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз кириш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Айни кунларда ҳамма ерда бўлгани каби бизнинг вилоятимизда ҳам республика газета ва журналларига обуна ишлари қизгин давом этапти. Олинаётган маълумотларга қараганда кўплаб ўқувчиларимиз республика болалар ва ўсмирларининг «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлишаётган экан. Тўғриси айтсам, бу газета менинг ҳам болаликдаги ҳамроҳим эди. Унинг саҳифаларидаги мақолаларни ўқиб, саводхонлигимиз ошган десам хато бўлмайди. Ҳозирда эса газетанинг саҳифалари кенгайган, маъно ва мазмун жиҳатдан янада бойиган, мавзулари ранг-баранг. Шундан бўлса керак, обуначиларимизнинг ҳаракатига қараганда 2001 йилда вилоятимизда ҳар ўн ўқувчига биттадан газета тўғри келса, ажаб эмас деб ўйлайман.

Феруза ЖАЛИЛОВА ёзиб олди.

Тахририятдан:

Олег Аҳмедовичнинг сўзлари рост чиқиб, пойтахт вилоятидаги 522минг ўқувчилар 52200 нусха «Тонг юлдузи»га обуна бўлсалар-а? Нега шундай бўлмас экан. Ахир мамлакатимиз сиёсати, тинчликпарвар ғояси ва тенгдошлари орзу ўйларини болалар онгига тўғри етказиб билган газетани албатта ҳамма болалар ўқишлари керак-да! Буни бошқарма бошлиғи чин дилдан айтган бўлсалар, ваъданинг вафоси билан уддалашларига ишонамиз.

Биз Эркин тоғамни жуда яхши кўрардик. У киши доимо эл-юрт орасида бўлиб халқнинг меҳрини қозонган эди. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмасди, қўлларидан келганча фақат яхшилик қиларди. У милиция формасини кийганида менга жасоратнинг рамзи бўлиб кўринарди. Яширмайман, унга ҳавас қилиш баробарида шундай тоғам борлигидан фахрланардим ҳам. Лекин ҳаёт у кишини бевақт оламдан олиб кетди. Онамнинг кўзларига қараб юрагим эзилади. Аммо унга тасалли бераман. Тоғам билиб туриб шу касбни танлаган. Эл-юрт тинчлиги учун ҳар бир милиционер жонини гаровга қўйиши шарт-да, ахир. Тоғамнинг қисқа умри минг йилларга татимайдими? Мана бу шеърим ҳам кўнглимдаги ниждолардан иборат. Шеър онажонимнинг кўнглига ҳам озгина таскин бўлса зора.

Эл тинчлиги йўлида қурбон бўлган тоғам Эркин Кўчқоров хотирасига

Онажоним менга қараб,
Мўлтирайди, кўнгли хароб.
Кўнглидагин менга очар,
Кўз ёшларин ерга сочар.

Алп оғанг бор эди, дейди,
Алп тоғанг бор эди, дейди...

Элини у севар эди,
Фанимлардан қўриқларди.
Эл-юртини хушнуд этиб,
Эл тинчлигин сақлар эди.

Алп оғанг бор эди, дейди,
Алп тоғанг бор эди, дейди...

Ким юртпарвар бўлса агар,
Унутмайди бани-башар.
Ватан дея жон берганлар,
Ҳеч ўлмайди, мангу яшар.

Алпомишдай оғам бордир,
Алпомишдай тоғам бордир!..

Зокир АЛИҚУЛОВ,
Дехқонобод тумани,
М. Ҳасанова номли мактаб
ўқувчиси.

ЎҚУВЧИНИНГ БЎШ ВАҚТИ НИМАГА САРФЛАНМОҒИ ЛОЗИМ?

-Бўш вақтдан қандай мақсадда фойдаланиш зарур?

-Тўп тепиб, кўча чангиб юришдан бирор боланинг "шоҳ"и чиққанми?

Саволлар ўринли ва қатъий! Улар катталарни ҳам, кичикларни ҳам ўз вақтида жавоб беришга ундовчи ҳақли саволлар. Чунки, фурсат ганимат, болалик эса ўзига ҳаётдан нималардир илғаб, ўрганиб олиб қолмоғи лозим. Лекин нималарни? Академик шоиримиз Фафур Фулом:

**Азиз асримизнинг азиз оилари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин,-**

мисраларини бежиз тизмаган. Болаликни хунар ўрганишга, билимизни пухта қилишга сарфламоғимиз лозим. Хунар ўрганиш учун эса халқ таълими бўлимлари қошида ўсмир ёшлар ижодкорлик маркази (ЎҒИМ) лари ишлаб турибди.

"ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"

Собиқ тузум давридан қолган шубҳали бир ибора бор. Худди ўша тузумга ўхшайди: "Очиқ эшиклар куни"... Айниқса ижодкорлик марказларида бу иборатга катта урғу бериларди. Нима, бошқа кунлари марказ эшиклари берк бўладими?.. Буни бугунги "очиқ эшиклар..." дан ҳам билса бўлади. Бугунги кун талабига мос иш услуби ва иш тартибини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш лозимга ўхшайди.

Кўкун шаҳридаги 1-ўсмир ёшлар ижодкорлик марказига кириб борганимда, бу ерда ҳали машғулотлар бошланмаган эди. Марказ раҳбарини кўп йиллардан бери биламан:

Зиёдахон опа Маматқулова шу ерда котибалиқдан иш бошлади, тўғарак раҳбари, услубчи, марказ раҳбарлигига бўлган фаолиятни бошдан кечирган. Ўз ишига пухта.

-Ўтиш давридан сизларга нима қолди?-дейман Зиёдахон опага.

1949 йилда ташкил топган шу саройимиз биноси ва янги орзу режалар...

-Эндиги иш услуби қандай?-дейман у кишига.

-Ўйлаб туриб мулоҳаза юритадиган бўлсак,-хўрсиниб кўйди Зиёдахон опа,-фаолиятимизда миллий руҳда иш юритиш услуби шаклланиб бораёттир. Бугунги фаолиятимиз аввалгисидан фарқ қилади, албатта. Илгари русийзабон миллат болалари тарбиясига кўпроқ эътибор берилар эди: балалайка, гармон ва гитара чалиш ва куйлашга зўр берилар эди. Чунки бизнинг худуд ўз муҳити билан русийзабон муҳит эди. Ҳозирда биз ўзликка қайтаёلمиз: Ёш наққошлар, зардўзлик, каштачилик тўғаракларимиз бор. Миллий хунармандчиликдан яна тароқчилик, сирчилик, ёғоч ўймакорлиги касбларини ўргатувчи тўғаракларни очишни кўнглимизга тугиб кўйганмиз. Шулардан бирортасини очолсак-дўппимизни осмонга отамиз!

-Дўппини яхши эслатдингиз. Ўзбекнинг ўзбеклиги дўппи билан-да!.. Нима дедингиз? Дўппидўзлик тўғараги очилса ҳам ёмон бўлмасди. Радиодан мумтоз кўшиқларни тинглаб, гурунглашиб ўтириб дўппи тикканга нима етсин! Қолаверса, бу фаолият ортиқча чиқим ва маблағни талаб этмайди. Қизлар оилавий рўзгор учун меҳнат қилишни ўрганадилар ва шулар билан ота-оналарига кўмаклашадилар.

-Сиз ҳам яхши эслатдингиз! Бу ҳақда ўйлаб кўрса арзийди!

-Мана, сизларда зардўзлик тўғараги бор экан. Халқ амалий санъатининг тури Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона вилоятларида кенг ривожланган пайтлар бўлган. Ҳозирда бу миллий хунармандчилик турига эҳтиёж кучли. Айниқса, зар дўппилару зар либослар, тўнларга бўлган ҳавас яна қайтадан уйғонмоқда. Халқимиз ўз миллийлигини ҳаддан ташқари соғинган!

-Нимасини айтасиз, Собиржон! -Зиёдахон опа очилиб кетди.-Бу тўғаракни Шаҳзода Йўлчиева очишни таклиф қилганда бошим осмонга етди. Энг кўп тўғарак қатнашчилари ҳам шу қизимизда. Оҳ, улар тайёрлаган безаклару либосларни бир кўрсангиз эди!

-Кўрайлик бўлмаса...

-Марҳамат, юринг! -Зиёдахон опа мени зардўзлик тўғараги хонаси томон бошлаб кетдилар. Ана шунда миллий нақшлару гуллардан кўнглим яшнаб кетди! Ичимда



Шаҳзодахонга тасаннолар айтдим. ЮМШОҚ ЎЙИНЧОҚЛАР... КЕРАКМИ?,-

дедим бўлажак мавзунини шундай деб атар эканман.

-Ҳм-м...-деди. Қани улар, борми? Жуда ҳам керак-да, укажон.

Демак, бу мавзу ҳам керак!

Қолган жойидан давом эттираман. Юмшоқ ўйинчоқлар тўғарагини юмшоқ феълли Раҳимахон Тошматова бошқарар эканлар. Жуда ҳам тиришқоқ ва меҳрибон мураббий! Биз хонага кириб борганимизда 5 нафар қизалоқ игна ушлаб, бўлажак ўйинчоқларга чок ўтказаятган эканлар.

-Ҳорманглар қизларим!

-Ассалому алайкум! Саломат бўлинг...

-Ваалайкум ассалом, бор бўлинглар.

Қизлар билан танишаман: 14-мактабнинг 6-"В"синф ўқувчилари Мафтуна Абдумаммаева, Феруза Раҳимова, Феруза Мўминова, Нилуфар Сатторова, Зарифа Ҳамроалиева, 1-мактабнинг 2-"Г"синф ўқувчиси Мадина Раҳмонова.

-Оббо, миттихон-ей,-дейман Мадинага,-кўлингга игна санчиб олма-япсанми, ишқилиб?

-Йўқ, ўрганиб қолдим,-дейди қизалоқ,-ангишвонам бор!

-Қандай ўйинчоқларни ясаёпсизлар ва тикаёпсизлар?-сўрайман қизлардан.

-Айиқча, фил, ит шакллари ясаб, тикаёпмиз,-дейди Мадина қақажонлик билан. Опалари бош эгиб секингина қулиб кўйишади. Тўғаракнинг "эркатойи"-да!

-Тўғаракларимизга қизиқувчилар 10 га яқин мактаблардан келишади,-дейди Зиёдахон опа.



Хунардан унар.

ЭНГ ФИДОЙИ, ЭНГ "КЕКСА" УСТОЗ

Ўсмир ёшлар ижодкорлик маркази мураббийларидан бири Қамбарали Алибековни кўкунлик хонанда ва созанда аҳли борки, жуда яхши биллади ва хурмат қилади. Етти ёшидан қўлига рубоб ушлаган санъат ихлосманди бор-ки, шу кишининг қўлида аввал сольфежонинг оғзаки таълимини, кейин нота билан ишлашни ўрганади.

Биринчи таълимдан кейин бола рубобга ёпишиб олади,- нота билан ишлаш осон кечади.

Қамбарали аканинг иш услубига болалар ҳайрихоҳлик билан қулиб, бош силкиб кўйишади: "жуда ҳам тўғри!"

Булар-32-ихтисослашган мактаблицейи 9-"А"синф ўқувчиси Мақсаджон Хонбобоев, 6-мактабнинг 8-"Б"синф ўқувчиси Отабек Тўлажонов, 3-мактабнинг 8-"Г" ва 5-"А"синф ўқувчилари Музаффар Тешабоев ва Мақсуд Абдурасулов

ва сал шумтакороғи-Тоҳир Кўчқоров! У 11-мактабнинг 8-синфида ўқир экан. Эски шаҳар ва унинг теварагидаги жамики мактаблардан ўқувчилар келиб Қамбарали ака қўлида мусиқа санъати сирларини ўрганишади. Болаларда мумтоз таронани чалишга иштиёқ баланд: бу ерда улар халқ куйларидан "Дилҳирож", "Ором",

"Жонон", "Кўшчинор" Муҳаммаджон Мирзаевнинг "Интизор этма", "Дил куйласин", "Тонг завқи", Толибжон Содиқовнинг "Ватан" куйларини маҳорат билан чалиб беришди.

Қамбарали ака менга ҳам устоз ҳисобланадилар. 1965 йилда тўққиз ёшли тенгқурларим Азизбек Султонов, Илҳом Ҳамроевлар билан бўйимдан баланд рубоб билан янги Чорсуга кетаверишдаги шу филиалга қатнаганларимиз ҳамон эсимда. Ўша пайтларда тўғаракларга қатнаган Зироатхон Зиёева шу ерда рақс тўғарагини бошқармоқда. Қосимхон Рамзахонов эса наққошлик тўғарагига бошчилик қилмоқда. От изини той босади, деб шунга айтадилар-да!

Мусиқа тўғараги фаолиятига ҳам 35 йил тўлибди. Лекин шунча йил заҳмат чеккан, яқинда 60 ёшга тўлган. Қамбарали акага шоғирларининг эҳтироми чексиз: бу йил мусиқа мактабида ўқиётган Ҳотам Болтабоев, Ҳасан Мирзааҳмедов, Шерзод Сафаровлар, мусиқа билим юртида билим олаётган Отабек Қосимов, Файрат ва Шухрат Мамажоновлар, педагогика олийгоҳларида ишлаётган Шавкат ака Турдиев, Одинахон Кўчқоровалар, мусиқа билим юртида ва мактабларида мусиқадан дарс бераётган Муртозхон Ортиқов, Ислонжон Маҳкамов, Алижон Юсуповлар ҳам Қамбарали аканинг "бола"лари. Эҳ-ҳе, булардан ташқари интернат, боғча, мактабларда ишлаётганлар қанчадан-қанча! Фақатгина, Қамбарали акада ҳеч қандай унвон йўқ! "Устоз" дея бош эгиб, қуллуқ қилиб келувчи шоғирларидан бор холос...

АСАЛНИНГ ОЗИ ШИРИН...

Ўсмир ёшлар тарбиясида ижодкорлик марказининг тутган ўрни ҳақида саҳифа-саҳифа гап айтиш мумкин. Лекин асалнинг ози ширин

Асал топдик озгина,

Ўйлаб туринг сизгина!..

Собир ЖАББОР.

ҚИЗИНГ ШУНДАЙ БЎЛСА-ДА...

Ўқитувчилар байрами арафасида хонамиз эшиги охира тақиллаб, Тоҷинисахон исмли ҳамкасабамнинг кизи кириб келди. Қўлида каттақон гулдаста:

-Ойижон, байрамингиз билан табриклайман,-дея онасининг юзларидан ўпиб кўйди. Бизларни ҳам айёмимиз билан қутлашни унутмади! Катта танаффусда келгандим. Кечқурун уйда табрикласам ҳам бўлардию сабрим чидамади-да...

Ҳали кичик бўлсада, онасига бўлган меҳрини, эътиборини кўриб, ҳавасим келди. "Ёмон кўздан асра-син" дея шивирлаб кўйдим...

Феруза онасининг ёлғиз қизи. Кўпинча ёлғиз фарзандлар бироз эр-кароқ, инжиқроқ бўлишади. У эса аксинча, ақлли, зеҳли, онаси, бу-виси, оппоқ ойиси, жажжи жия, Султонбекка, кўйингчи, ҳамма яқинларига жуда меҳрибон қиз. Онажонининг энг яқин ёрдамчиси.

Яқинда Мадина онасининг туғилган куни бўлибди.

-Ойижон, сиз ишдан қайтгунингизча мен каттақон торт пишириб кўяман,-деди онасини хизматга кўзата туриб.

-Ҳали анча ёш, эплай олармикин? Меҳмонларнинг олдида уялиб қолмасам эди,-дея ҳавотирланди онаси.

Буни қарангки, Ферузахоннинг тайёрлаган торти дастурхоннинг кўрки бўлибди. Мазасини айтмайсизми? Биз ҳам татиб кўрдик, жуда ажойиб бўлибди. Ўзи рақсга тушиб, меҳмонларни хушнуд қилибди. Рақсга тушишни ҳам биларканми, дейсизми? Албатта-да, бу унинг энг севимли машғулоти-ку. Шаҳримиздаги 9-мактабнинг 5-синфида аъло баҳоларга ўқиш билан биргаликда 4 йилдан буён Ҳамза номидаги 7-синф санъат мактабининг хореография бўлимида таҳсил олиб келяпти. Мактабларида бўладиган бирон-бир тадбир унинг иштирокисиз ўтмайди.

-Рақсга тушиш жону-дилим,-дейди Ферузахон. -Лекин келгусида раққоса эмас, шифокор бўлишни орзу қиламан. Сизнинг ёрдамингизга муҳтож бўлиб, нажот кўзи билан термулиб турган бемор дардига малҳам бўлишдан ортиқроқ бахт борми дунёда?!

Унинг сўзларини тинглаяпману дилимдан алланечук фахр, ифтихор туйғулари кечяпти: "Бугуннинг боласи. Фикрлари теран, орзулари ойдин болалар." Қизинг бўлса, шундай бўлса-да!

Мухайё ШОДМОНҚУЛОВА,
Чирчиқ шаҳри.



Мумтоз адабиётда асосий жанр лирика бўлса, лириканинг етакчиси ғазалдир. Мен ғазални бир қишлоқ бўлса, ундаги байтларни қишлоқдаги уй деб тушунаман. Байт дегани асли уй деганидир. Алишер Навоий ғазалларида байтлар бир-бирига шунчалик боғланиб кетганки, мабодо ғазалдан бир байти ўқилмай қолса, гўёки, қишлоқдаги бир уй вайрон бўлиб қолгандек, ғазал мазмунига ҳам футур етади.

Шоирнинг муножот куйи билан айтиладиган “Кеча келгумдур дебон” сўзи билан бошланувчи ғазали “Бадое ул васат” девонининг 608-ғазали бўлиб унда ошиқ қалбнинг шарҳи холи ифода этилади.

**“Кеча келгумдур, дебон
ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг
отгунча уйку келмади.”**

Бу байтни биз тўғридан тўғри маъно бўйича шарҳласак «кечаси келгумдир дебон гул юзли сарв қоматим келмади. Мен уни кутиб кўзларимга кеча тонг отгунча уйку келмади», - деб айтишимиз мумкин. Лекин ғазал ёзилиши даври шоир ўзи айтгандек “васатул ҳаёт майхонасида, ишқ билан шавқ паймонасида юзланган бадаъ нишотлар кайфиятини ҳисобга олсак, шоирнинг ғазалларида ёзилган маъноларини чуқур таҳлил этсак, муҳаббат асосан, йигитлик даврида бошланади, яъни кеча йигитлигимда кутдим келаман деган эди, лекин келмади. Менинг шундан бери бир неча кечалар кўзимга уйку келмади, деган маъ-

нони топиб оламиз.

**“Лаҳза-лаҳза чикдим
чекдим йўлида интизор
Келди жон оғзимга
ул шўху бадху келмади”.**

Мен у гўзални шунчалар интизорлик билан кутдимки, келарми деб йўлларига тез-тез чиқиб турдим.

Ҳаттоки, жон оғзимга келди-ю, Лекин феъли ёмоним келмади, “Жон оғзига келмоқ”. Бу сўзда ўта қийналиш маъноси бор. Чунки баъ-

з а н ўзаро иборада ҳам жоним халқумига, жоним оғзимга келди,- деган сўзлар ишлатилади.

**“Оразиндек ойдин эркканда гар
Этти эҳтиёт рўзгоримдек ҳам
ўлганда қоронгу келмади”.**

Юзи каби оппоқ ойдинда, яъни кундузи ўзи бошқа ниҳоллардан эҳтиёт қилди деб ўйласам, менинг турмушимдек қоронгу бўлганда ҳам келмади.

Мумтоз адабиётда, халқ оғзаки ижодида ёр жамолини ойга, қуёшга ўхшатишса “Лайли ва Мажнун” достонида Лайли гўзаллигини ҳам шундай таърифлашади.

**“Бир шамъ ила ҳажласи музайян
Ким чарх уйи ойдин эрди равшан
Шамъию не чнам чашман нур
Нурики ямон кўз олидин дур
Ойию не ой бадри тамъ
Бодрию не бадр меҳри ломеъ”.**
Балки менинг ҳаётим ёруғ юзли

гўзални келмаганлиги туфайли тундек қорадир деган маънони ҳам англаш мумкин.

**“Ул париваш ҳажрида
йигладим девонавор.
Кимса борму анга кўрганда
кулгу келмади”.**

Ҳижрон дарди шунчалик мени оғир этдики, айрилиқда худди телбадек йигла-

“КЕЧА КЕЛГУМДИР ДЕБОН”

д и м - д а , кўрган кишилар ўзини кулгудан тия олмади.

Жалолиддин Румий айтганидек: **“Сендан жудо бўлгач
мендаги оғуш
Ким мени кўрибди
йигладим хомуш.”**

**Жону-дили дийдага унутмас сени
Худо ҳаққи сен ҳам
қилма фаромуш киши”.**

Киши севганидан айрилганда девонавор “Лайли ва Мажнун” достонида қуйидагича таърифланади.

**“Чул дардига топмади корона
Дард ашқини айлади равона
Чок айлади тортибон яқосин
Чекди тани офият либосин
Кўзларингдан кеча сув келган
деб ўлтурманг мени
Ким бори қоп эрди келган,
бу кеча сув келмади”.**

Мен ёр ҳажрида йиглаб, кўзларимнинг ёши қуриди. Менга кўзингни сувини бунча оқиздинг дошном бериб ўлдирманг, менинг кўзимдан бу кеча кўз ёши эмас, қонли ёш келди.

**НАВОИЙНИ
ЎРГАНАМИЗ**

Толби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам.

Ишқ йўли машаққатли йўлдир, бу йўлда содиқ талабгорлар топилмайди, қайси бир одам илк қадам қўйгандаёқ машуқасига юзма-юз келган, фақат комил инсонгина ишқда содиқ бўлади.

Шайх Насафий айтганидек: Ҳақ йўлида камолатга етган кишигина комил инсондир. Ғазалнинг мақтасида, Навоий бода тимсоли орқали Оллоҳни мадҳ этади.

**“Эй, Навоий бода бирла хурррам
эт кўнгул уйин
Не учунким бода келган уйга
қайу келмади”.**

Навоий буюк ошиқ, у камолот йўлига қадам ташлаган. Шу сабабли кўнглунг уйини май билан, яъни Оллоҳга интилиш билан хушхол эт, чунки кимнинг қалб уйида Оллоҳнинг ёди бўлар экан, унга ҳеч қачон ғам-қайғу келмайди.

**Назокат АҲАДОВА,
Навоий туманидаги
Алишер Навоий номли
3-ўрта мактаб ўқувчиси.**



Оналар ёзди

САҲИЙЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Ватан остонадан бошланади, деганидек тарбия ҳам оиладан бошланади. Инсон ҳаётда қанчалик саҳий бўлса, унга бахт ва омад кулиб боқади. Шунинг учун ҳамиша саҳийликка ва савоб иш қилишга интилиб яшаш керак.

Беш қўл баробар эмас, ҳаётда ҳам ҳар хил одамлар учраб туради. Шунинг учун ҳар бир оилада ўсган болаларни тарбияси ҳам ҳар хил бўлади.

Кимнинг оиласи тинч-тотув бўлса, ўша ерда барака ҳам, бахт ҳам, меҳр, тарбия ҳам яхши бўлади. Шундай оилаларда тарбия олган болалар одобли, билимдон, саҳий ва катталарни ҳурмат қиладиган, кичикларга мурувват кўрсатадиган бўлиб ўсади.

Халқимизда бир мақол бор: қуш инида кўрганини қилади. Кимнинг оиласида қандай муҳит бўлса, бола шуни ўзига синдириб олади. Фарзанд ота-онасининг тутган йўлига қараб, ўшандан андоза олиб улғаяди.

Ҳаётга бир назар ташланг. Кимки ҳаётда одобли, саҳий, тўғри сўз ва савоб ишларни кўп қилса, унинг ҳаётида ҳам яхши кунлари кўп бўлади. Бахил, ҳасадгўйни бири икки бўлмайди. Бундайлар бир умр ўзгаларни яхши томонини кўролмай бахиллик қилиб ўтади. Баъзи бир ота-оналар фарзандлари олдида гийбат қилиб ўтиради. Бора-бора бола юрагида ҳасад пайдо бўла бошлайди.

Шунинг учун ҳамиша бир-бировга тўғри йўлни кўрсатайлик.

**Саҳийликда меҳр кўп,
Меҳрликдадир бахт.
Шунинг учун оқибат,
Кўрсатиб яшанг ҳар вақт.
Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА**

**ГАП ЙЎҚ,
КЎЗИЧОҚ!**

Биринчи чоракни фақат аъло баҳоларга яқунлаганим боис ойим мени шаҳардаги холамникига меҳмонга олиб бордилар. Тасодифни қарангки, холам ўғил-қизларини олиб Йўлдош Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрига кетаётган эканлар. Биз ҳам улар билан биргаликда театрга отландик.

Театрда биз болажонларга атаб янги, “Гап йўқ, кўзичоқ!” спектакли қўйилаётган экан. Бўрилар ҳақида жуда кўп эртақлар эшитганман, мультфильмлар томоша қилганман. Уларнинг барида бўрилар ёвуз, жоҳил қилиб тасвирланарди. Бугунги спектаклда эса кўзичоқ яхши гапи, ширин муомаласи билан баджаҳл бўрини ҳам мулоийм торттириб қўяди. “Яхши гапга илон инидан чиқади” деганлари шу бўлса керак-да...

Томошадан бир олам таассуротлар билан қайтдим. Янги куч, янги ғайрат билан иккинчи чоракни ҳам бошлаб юбордим.


**Муфаззал НАЗАРОВА,
Жиззах вилояти, Зомин тумани.**

**“ДА-ДО”НИ
ҲАЁТДА
КЎРДИК**

Буни қарангки, ёшларимиз учун севимли бўлиб қолган “Да-До” гуруҳининг концертлари кузги таътил кунларимизга тўғри келибди. Дугоналарим билан биргаликда концертга тушиб, мириқиб дам олиб қайтдик. Телевизорда кўрган бошқа, ҳаётда кўрган бошқа экан. Кўшиқлари яна ҳам жарангдор, завқли чиқаркан. Ўзимизни қизиқтирган саволларимизга жавоблар ҳам олдик. Гуруҳ хонандалари Алишер ва Рустамлар ҳақида алоҳида мақола ёзишни дилимга тугиб қўйдим.

Яна шаҳримиздаги ҳайвонот боғига, ботаника боғига ҳам бордик. У ерда ажойибу фаройиб ҳайвонларни, турли хилдаги дарахтларни кўрдик. Менга айниқса Африка кактуси билан тош дарахти жуда ёқди. Айтишларича, бу дарахтни кучоқлаб, ниётлар айтилса, ижобат бўлар экан. Мен ҳам уни кучоқлаб орзуларимни айтдим.

**Анастасия КРАСНОЩЕКОВА,
Тошкентдаги рус тилига ихтисослашган
72-мактабнинг
8-синф ўқувчиси.**



Ир ўқ афрофрида айланар дунё



ОДАМХЎР АКУЛА

Австралия гарбида жойлашган Перт шаҳри яқинида, гўзал денгиз бўйида Котеслоу номли ажойиб бир пляж бор. Кўпгина туристлар ва маҳаллий аҳоли бу ерда чўмилишни хуш кўрадилар.

Лекин 15 ноябрь куни шу пляжда фожиали тугаган бир воқеа рўй берди. Денгизнинг чуқур бўлган жойида икки киши чўмилётган эди. Бирданига уларга баҳайбат, ўткир тишли акула ҳужум қилди. Улардан бирини акула жағларида ғажиб ташлади ва у киши шу заҳотиёқ ҳалок бўлди. Акула иккинчи кишига ҳам жиддий жароҳат етказди. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина у киши акула чангалидан қутилиб қолишга муваффақ бўлди. Ушбу фожиадан соҳилбўйи кўриқчилик хизмати ва тажрибали денгизчилар одамхўр акулани тутиш пайига тушдилар. Шунингдек, шу пляждаги дам олиш масканининг раҳбарияти, пляж ҳудудида дам олаётганлардан вақтинчалик бу ерга келмасликларини ва денгизда умуман чўмилмасликларини илтимос қилдилар.

Гарбий Австралияда охириги 30 йил ичида бу каби фожиали воқеа, яъни акуланинг одамга ҳужум қилиш ҳолати бўлмаган эди.

Якшанба куни Доғистон пойтахти Махачкаладан Москвага учиб кетаётган ТУ-154 самолёти бир киши томонидан қўлга олинди ва ўз йўналишини ўзгартирди. Самолёт Россия авиакомпаниясига тегишли бўлиб, у Озарбайжон пойтахти Бокуда ёғилги одиш умн

тўхтаган. Шу кўниш давомида террорчи самолётга кириб олиб, қурол билан йўловчи ва ҳайдовчиларни кўрқитган. Самолёт Бокудан кўтарилгач, террорчининг буйруғига биноан Москвага эмас, балки Исроилга йўл олган. Лекин Исроилдаги божхона маъмурияти самолётни ўз ҳудудидаги аэропортга кўнишга рухсат бер-

маган. Ҳайдовчиларнинг бир неча соат давомида тушунтириш ишларини олиб борганларидан сўнг, Исроил маъмурияти самолёт-

нинг кўнишига рухсат берди. Террорчи эса, Исроил полицияси томонидан қўлга олинди. Суриштурув давомида террорчининг шахси аниқланди. У кимса доғистонлик террорчи экан.

ТУ-154 самолётининг бортида 58 киши бўлган, улардан 48 таси оддий йўловчилар ва 10 таси самолёт ҳайдовчиларидир. 58 кишининг барчаси соғ ва саломат ўз ватанларига етказилди.

ТУ - 154 САМОЛЁТИНИНГ ЎҒИРЛАНИШИ



ЧАНГИЧИЛАР ҲАЛОКАТИ

Австриянинг Алп тоғларида чанги спорти билан машқларни ўтказиш учун кетаётган 170 та чангичиларни олиб кетаётган поезд туннелларнинг бирида ҳалокатга учради. Натижада поезддаги 170 та чангичининг барчаси ҳалок бўлди. Поезд ҳалокатига олиб келган сабаб эса, унинг юриши давомида поезд ичида чиққан ёнғиндир. Ҳозирда ушбу чангичиларни қутқариш ишлари олиб борилмоқда. Қутқарув ишларида махсус тайёргарликни ўтаган вертолёт бошқарувчилари ва уларнинг 13 та вертолёти иштирок этмоқда.



АҚШдаги тадқиқотчи олимларнинг таъкидлашича, ўсимликка сепиладиган ва жуда хавфли бўлган пестицид номли доридан заҳарланиш, барча тирик жонзодларни Паркинсон касаллигига олиб келади. Паркинсония касаллигининг оғир тури

бўлиб, у билан оғирган инсон умуман ҳаракат қила олмайдиган бўлиб қолади.

АҚШдаги Атланта университетининг тадқиқотчилари пестицид ва ротенон номли заҳарли дориларни суюлтириб, укол сифатида каламушларга қилиб, тажриба ўтказдилар. Тез орада укол қилинган барча каламушлар Паркинсон касаллигига чалиндилар. Ротенон дориси жуда

кўп ўсимликлар таркибида бўлади. Шу ўсимликлар овқатларга қўшилганда, агар ушбу ўсимлик таркибида ротенон миқдори кам бўлса, бу инсон организмни заҳарламайди. Бундай хулосани ҳам

АҚШлик олимлар исботлади.

ПАРКИНСОН-МИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ ОҒИР ТУРИ



Аммо, агар ўсимликлар таркибида пестицид миқдори кўп бўлса ва инсон шу

ўсимлик қўшилган овқатларни истеъмол қилса, бу нарса жуда хавфли бўлиб, Паркинсон касаллигига олиб келади.

Ҳозирда бутун дунёдаги қари одамларнинг бир фоизи Паркинсон касаллигига чалинганлар.

КЛИНТОННИНГ ВЕТНАМГА ТАШРИФИ

Яқин кунларда Америка Кўшма Штатларининг Президенти Билл Клинтоннинг Ветнам Республикасига ташриф буюриши кутилмоқда. Ташриф 3 кун давом этади. Лекин Ветнам ҳудудида бу ташрифдан норози бўлган баъзи аҳоли вакиллари намойишлар ўтказмоқдалар. Бунга сабаб эса, 60-70 йилларда АҚШнинг Ветнамга ўтказган тазйиқидир. Лекин Клинтон ташрифидан кўзланган асосий мақсад, икки давлат ўртасида узоқ йиллар давомида бўлиб келган совуқ муносабатларга барҳам бериш ва икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда, тенг ҳуқуқли ҳолатда, янги алоқаларни ўрнатишидир. Ветнам аҳолисининг кўпчилиги бу ташриф ўз давлатларининг ривожланишига, гуллаб-яшнашига замин бўлади, деб умид қилмоқдалар.



Шоҳруҳбек КАРИМБЕКОВ тайёрлади.

АФҒОН БОЛАЛАРИГА ЁРДАМ

БМТнинг болаларни ҳимоя қилиш ташкилоти, Афғонистондаги болаларни полимелит касаллигига қарши эмлаш ишларини бошламоқчи. Лекин Афғонистон ҳудудида, айни вақтда Толибонлар ва Шимолий Коалиция ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтмоқда. Бу нарса эса афғон болаларига БМТ томонидан берилаётган ёрдамга тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли ҳам БМТнинг болаларни ҳимоя қилиш ташкилоти ва

Қизил Ярим Ой жамиятининг аъзолари Толибонлар ва Шимолий Коалиция раҳбарларининг ўзаро урушларини вақтинчалик тўхтатиб туришларини сўрамоқдалар.

Худди шундай талабнома, БМТ томонидан октябрь ойида ҳам, Афғонистонда жанг қилаётган кучларга қўйилган эди ва уриша-

ётган кучларнинг раҳбарлари бу нарсага рози бўлишган эди.

Айни вақтда Афғонистондаги болаларнинг деярли 90 фоизи турли хил касалликларга чалинган. Шунинг учун ҳам, БМТнинг болаларни ҳимоя қилиш ташкилоти жуда хавфли бўлган полимелит касаллигини олдини олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Париж.

Франциянинг “Алстом” ҳамда АҚШ-нинг “Канард” компаниялари дунёдаги энг катта йўловчи кемани бунёд этиш борасида ҳужжат имзолади. Кема Францияда, 2003 йилда қуриб битказилди. У бирваракайга уч мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатади. Лойиҳа 780 миллион долларга баҳоланди. Бўлажак кема Европа билан Америка ўртасида қатнайди.

Жагарта.

Индонезиянинг Ява оролида юзага келган тошқин натижасида 45 киши ҳалок бўлди, бир неча киши бедарак йўқолди. Кўплаб қишлоқлар сув остида қолиб кетди. Кутқарув хизмати ҳамда полиция ходимлари бедарак йўқолганларни қидирмоқда.

Дехли.

Ҳиндистоннинг Андра-Прадеш штатида “япон энцефалити” деб ном олган мия касаллиги сўнгги бир ой ичида 25 кишини ҳаётдан олиб кетди. “Япон энцефалити” штатнинг 11 туманида тарқалган. Унинг қурбонига айланаётганларнинг аксарияти 15 ёшгача бўлган болалардир. Айни пайтда шифохоналарда ушбу касалликка чалинган юзлаб беморлар ётибди. Шифокорларнинг айтишича, “япон энцефалити”нинг олдини оловчи дорилар орасида бирмунча фойдалиси Хитойда ишлаб чиқарилаётган вакцина ҳисобланади. Бироқ, ҳозирча бу вакцинани мамлакатга олиб келиш жиддий муаммо бўлиб турибди.



ОЗОДЛИК ҲАЙКАЛИДАГИ ШҲҲЛИК

Яқинда бир қанча Пуэрторикалик безори болалар озодлик ҳайкали тепасида намоиш ҳаракатларини уюштиришди. Улар узоқ вақтдан буён ҳарбий полигон сифатида фойдаланиб келинаётган Пуэрторика оролларида бири Вьекос оролида ҳарбий денгиз машғулотларини тўхтатишни талаб қилиб чиқишди. Безорилардан бири озодлик ҳайкали тепасига чиқиб ойналарни синдирибгина қолмай қалтис ҳаракатлари билан келган саёҳларни тинчини бузгани учун полиция томондан ҳибсга олинди. АҚШ полициясининг таъкидлашича ҳайкални муҳофаза қилишни янада кучайтириш лозим.

НОМСИЗ КИТОБ

Яқин орада Латвияда бир китобни чоп қилиш режалаштирилмоқда. Китоб муаллифи профессор Павел Зариньш 469 сўз иштирокида китоб ёзди. Профессор китобни 1000 нусхада чиқаришни режалаштирмоқда. Аммо китоб учун муносиб ном ҳали топилмаганлиги учун уни чоп қилиш тўхтатилиб турибди. Китобда иштирок этган сўзлар ҳеч бир китобда учрамаган. Чунки бу сўзларнинг барчаси хунук, сўкишлардан иборат.

ОЛЬШТЫН.

Россиянинг Калининград шаҳридан Польшадаги аквабоғ томон йўл олган икки қаватли автобус дарахтга урилиб, ҳалокатга учради. Натижада 17 киши тан жароҳат олди. Туристлар орасидаги 9 ёшли боланинг аҳволи оғир ҳолатда.

Ғазо.

Фаластин-Исроил мажароси қурбонлари сони иккитага кўпайди. Куролли тўқнашувлар давом этаётган Тулкарм шаҳри яқинида 15 ёшли фаластинлик бола Исроил аскарлари томонидан отиб ўлдирилди. Ғазо минтақасидаги Кфар-Дарум шаҳарчасида ҳам бир араб ҳалок бўлди. Сентябрь ойи сўнггида бошланган қонли можаро туфайли ҳозирга қадар 200 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди, уларнинг аксарияти араблардир.

Брюссел.

Белгия, Нидерландия, Буюк Британия, Швеция, Норвегия ҳамда Болтиқ бўйи давлатлари Рижск кўрғазини тубини иккинчи жаҳон урушидан қолиб кетган миналардан тозалашга киришди. Хабарларга қараганда, бу миналар 1942 йилда немислар томонидан кўмилган. Бундай тадбир НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури” доирасида 1998 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу галги тозалаш ишлари 20 ноябрга қадар давом этади.

Шарофиддин Рисқулов

Азиз болажон! Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳрида 1607 та ёнғин содир бўлиб, улар натижасида 28 киши ҳалок бўлган, 40 киши турли даражадаги куйиш, тан жароҳатини олган. Содир бўлган ёнғинлар таҳлил қилинганда, уларнинг асосий сабаблари оловга эҳтиётсизлик билан муомалада бўлиш, маст ҳолда сигарета чекиш, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари, чўқинди ва ҳазонларни ёқишлар, газ ва электр асбобларини ишлатганда ёнғин хавфсизлиги қоида-қонунга риоя қилмасликда эканлиги аниқланди.

6 октябрь куни Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчасидаги институтда ҳам ёнғин содир бўлиб, унинг оқибатида 1500 квадрат метр майдонда 7-сон ўқув биносининг 3-қавати ва қисман бинонинг том қисми ёнган.

2000 йилнинг 6 октябрь куни Бектемир тумани, Б.Нозим кўчасидаги 117-уйнинг 5-хонадонида ҳам маст ҳолатда сигарета чекиш оқибатида ёнғин келиб чиққан. Натижада хонадон соҳиблари анчагина моддий зарар кўришган. Энг аянчлиси, уй эгаси, 1929 йилда туғилган Хануза Мақсудова ҳаётдан кўз юмган.

Тошкент шаҳар, ИИББ Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг Куч ва воситаларни бошқариш марказига шу йилнинг 12 ноябрь куни Акмал Икромов тумани, Жамшид 1-тор кўчаси, 34-уйда ёнғин содир бўлганлиги ҳақида ха-

ҲАЛОВАТИНГИЗ ЙЎҚОЛМАСИН

бар келиб тушди. Жанговор ўт ўчириш бўлинмалари ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ёнғин ўчирилди. Унинг оқибатида уйнинг бола-хона ва ошхонаси, том қурилмалари, уй жиҳозлари ёнган. Болахонадан уй эгасининг ўғли, 90-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Азиз Иноғомовнинг куйган жасади топилди. Суриштирув ишлари жараёнида аниқланишича, уй эгаси Талъат Иноғомов ёнғинни сезиб қолади ва болохонада компьютерда ишлаб, ухлаб қолган ўғли Азизни уйготиб ташқарига олиб чиқади. Азиз эса ёнғинни ўчириш учун болахонага бир челак сув олиб чиққанча, қайтиб тушмайди...

Азиз ўқувчилар! Об-ҳавонинг совиши билан уйингиздаги катталар хонадонларни иситиш мақсадида турли иситиш мосламаларидан фойдалана бошлайдилар. Ёнғинларнинг ва турли хил бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида куйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя қилишингиз лозимлигини яна бир бор эслатиб ўта-

- газ билан иситиладиган печларнинг саз холда ишлашини мунтазам равишда назорат қилиб туринг, тунда уларни ўчириб қуйишни унутманг;*
- ясама ва носоз бўлган иситиш мосламаларидан асло фойдаланманг;*
- газ плиталаридан хонани иситиш учун фойда-*

- ланманг;*
- газ ҳидини сезсангиз, учқун чиқарувчи мосламаларни ёқманг, ёқилган холда бўлса, ўчирманг. Оила аъзоларини хонадан чиқариб, дераза ва эшикларни очган холда хонани шамоллатиб, дарҳол қўшни хонадондан (хавфсиз жойдан) газ идораларига хабар қилинг;*
- газ мосламалари ўрнатишни фақат мутахассисларга ишониб топширинг;*
- газ мосламаларига резина шланглар улаган холда бошқа мақсадларда фойдаланманг;*
- агарда бошқа газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз, газ ходимларидан рухсат олиб, мутахассислар орқали амалга оширинг;*
- электр симларини уйнинг ёнувчи қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказилишини таъминланг;*
- уй чордоқлари, ертўлаларда жойлашган иситиш печ ва мўрилари теварак-атрофини тез аланга олиши мумкин бўлган жиҳозлар, сомон ва хашак кабилардан тозалаб қуйишни унутманг;*
- Ёнғинни олдини олиш, ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш барчамизнинг вазифамиз ва бурчимиздир.*
- Юқоридага маслаҳат ва йўл-йўриқларимизга амал қилсангиз, ҳаловатингиз йўқолмайди.*
- Феруза САЪДУЛЛАЕВА,*
- Тошкент, Ёнғиндан сақлаш бошқармаси*
- Давлат ёнғин назорати бўлими инспектори,*
- ички хизмат лейтенанти.*

Азиз болажонлар, Шукур Бурхон бобонгизни танирмидингиз? Ота-оналарингиз, бува ва бувиларингиз хотирасида Шукур Бурхон бўлиб эмас, "Юсуф Ялангтўш" бўлиб муҳрланган бу ажойиб санъаткор ҳақида эшитган чиқарсиз. Кўриб бораётган бўлсангиз, шу кунларда унинг иштирокидаги фильмлар кўплаб намойиш этиляпти. Бу бежиз эмас албатта. Ўзбек театрининг даргаларидан бири, меҳрибон ва талабчан устоз, бетакрор санъаткор Шукур Бурхон бобонгиз агар ҳаёт бўлганларида, шу кунларда табаррук 90 ёшларини қаршилаган бўлардилар.

Куни-кеча шахримиздаги Аброр Ҳидоятлов номли ўзбек Давлат драма театри даргоҳида ана шу санага бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Ўтганлар хотирасини ёд этиш ҳар биримиз, айниқса, сиз ёш авлод учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Шу мақсадда сеvimли санъаткоримиз ҳаётидан унинг дўстлари, ҳамкасбларидан эшитган айрим лавҳаларни ҳикоя қилиб бермоқчиман:

БОҒУ ГУЛЗОР ҲАЛИ БОР...

Шукур Бурхон боғбоннинг ўғли бўлган эканлар. Уларнинг каттакон мевазор боғлари, ажойиб гулзорлари бор. Шукур Бурхон бобонгиз ёшлик чоғлариданоқ театр санъатини жуда севгани боис, ҳар куни ҳовлиларидаги гуллардан чиройли гулдаста ясаб, театрга олиб келарканлар. Шунда патта текширувчилар: "Театримизнинг ашаддий мухлиси келибди-ку", дея уни спектаклларга бепул киритиб юборишаркан.

Дадаларидан кейин боғ ва гулзор парваришини Шукур ака ўз зиммаларига олган экан. Ана шу боғу гулзор ҳали-ҳануз яшнаб туради. Ҳамкасблари, дўстлари гулларнинг муаттар исидан баҳраманд бўлиб, Шукур акани хотирлашар экан.

"Яхшидан боғ қолур" деб шунга айтсалар керак-да...

"ОСИЁ УСТИДА БҮРОН"

Фильми суратга олинаётган экан. Машҳур кинорежиссёр Комил Ёрматов фильмдаги бош ролни Шукур Бурхонга топширибди. У бу образни шунчалик зўр маҳорат билан ижро этганидан фильмнинг номи ҳам Юсуф Ялангтўш бўлиб кетган экан.

"Мосфильм" киностудиясида яратилган "Илья Муромец" фильмини кўргандирсиз-а? Фильм суратга оли

наётганда ундаги бош қахрамон образини ижро этаётган таниқли санъаткор Борис Андреев билан хон ролини ўйнаётган Шукур Бурхоннинг учрашадиган эпизоди

Шукур Бурхон таваллудининг 90 йиллигига

бор экан. Шунда Борис Андреев режиссёрнинг ёнига келиб: "Агар Шукур Бурхонни биринчи планга чиқарсангиз, Илья Муромец йўқ бўлиб кетади", дея санъаткорнинг маҳоратига юксак баҳо берган экан.

ШУКУР БУРХОН "РУСТАМ" БҮЛДИ

"Ҳамза" театри жамоаси Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида ижодий сафарда юрган кезларида Маданият вазирлиги томонидан "Станиславский системаси"га бағишланган анжуман уюштирилибди. Унда республикамизнинг таниқли санъаткорлари иштирок этиб,

бирма-бир сўзга чиқишибди, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишибди. Шунда йиғилишга раислик қилувчи Шукур Бурхонга қарата: "Бир оғиз ҳам гапирмадингиз. Сиз ҳам ўз фикрларингиз билан ўртоқлашинг" деганида, Шукур ака охиста ўринларидан туриб: "Ман театр ёки кино санъатидан сабоқ берадиган бирорта ўқув юртини тамомламаганман. Шунинг учун сизларга бир монолог ўқиб берсам. Мос келса, керагини олар-



сизлар," деб жавоб берибди. Шу тобда гала-говур бўлиб турган зал сукутга чўмиб, барча санъат аҳлининг вужуди қулоққа айланибди. Шукур Бурхон бироз сукут сақлаб турибди-да, "Рустам Достон" спектаклидан Рустам монологини шундай маҳорат билан ўқиб берибдики, олқишларнинг зарбидан залнинг ҳам титраб кетгани худди кечагидек ёдимизда. Биз Станиславскийдаги ҳақиқий санъатни Шукур Бурхон тимсолида кўргандик,-дея хотирлашади ҳамкасблари.

Бошқа фикр-мулоҳазалару тўлдиришларга ўрин қолмаганидан анжуман ҳам шу ерда ўз якунини топган экан...

Феруза АБДУСАМАД қизи.

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Метронинг Амир Темур бекатида вагоннинг эшиги очилиб, биринкетин 5-, 6-синф ўқувчилари бўлишса керак - ёш йигитча ва қизчалар кириб келишди. Менга яқинроқ жой олишга иккита йигитча ўзларининг гапларига шу қадар берилиб кетишганлигидан, атрофда кишилар борлигини ҳам гўё уни-тишганди.

-Менга-чи, люстра жудаям ёқди, деса биринчиси, иккинчиси:- люстра ростдан ҳам чиройли экан, лекин менга Амир Темурнинг ҳаёти ҳақида чизилган суратлар жудаям ёқди,- дерди.

Улардан беихтиёр сўрадим: -Қаердан келяписизлар? Иккаласи бароварига:

-Темурийлар тарихи музейидан дейишди. Сўнг иккаласи бир-бирига гал бермай, музей ҳақида таасуротларини сўзлай кетишди. Охири уларни тўхтатиб, кулиб сўрадим.

-Музей биноси рўпарасидаги богда жойлашган Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳайкалинини ким яратган?

-Иккаласи ҳам билмаймиз дегандек, елка қисишди. Кейин эса сўрашди.

-Ўзингиз-чи? Ўзингиз биласизми?

-Ҳа, биламан.

-Ҳайкални таниқли ҳайкалтарош, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илҳом ака Жабборов яратганлар. Илҳом ака шунингдек, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида ўрнатилган Амир Темур ҳайкалларининг ҳам ижодкори бўладилар. Музей биносининг ташқи ва ички безакларини, ҳамда Амир Темур ҳаёти ва унинг замонасига бағишланган барча асарларни Ўзбекистоннинг таниқли рангтаасвирчи рассомлари ва усталари



яратганлар, - дедим мен. Болалар қизиқиб тинглашаркан, сўрадим:

-Таътилларида яна нима қиласизлар?

-Биз яна Ўзбекистон тарихи музейига, ҳайвонот боғига, кўғирчоқ театрига борамиз,- дея санаб кетишди.

-Зўр-ку, - дедим ҳавас қилгандек. - Шунча жойга ким билан борасизлар? Қайси мактабда ўқийсизлар ўзи?

-Биз-ми,- деб яна чуғурлашишди улар - 201-мактабда ўқиймиз. Синф раҳбаримиз Салоева Гулчеҳра опамлар бизни ҳамма жойга олиб борадилар. Таътилдан сўнг мактабга борганимизда кўрганларимиз ҳақида иншо ёзиб берамиз.

Поезд метронинг Чилонзор бекатига етиб келганда болалар яна чувиллашиб бирин-кетин вагондан чиқиб кетишаркан, менинг янги танишларим Рустам ва Дилшодлар иншодан беш баҳо олишса керак, деб ўйладим. Чунки, мурғак юраклари тўла ҳис-ҳаяжон мени шунга ишонтирган эди.

Тимур Рузиматов

ҲИММАТЛИЛАР ҚИММАТЛИ

Ҳимматли инсонлар қимматлидир. Улар ҳамиша элда азиз саналган. Бу каби инсонларни қуёшга ўхшатгим келади. Саҳий қуёш ер юзига ўзининг иссиқ тафтини сочади. Ҳимматлиларнинг қалби ҳам меҳрга тўла. Улар ҳам саҳий.

Айтишларича саҳийларнинг турлари кўп экан. Айримларида давлат бўлмаса-да, давлатманд инсонларни тўғри йўлга бошлаб, муҳтожларга эҳсон қилишларини насиҳат қилиб турар экан.

Давлатмандлари эса бева-бечораларга ҳайру-эҳсон қиларкан. Ва бу билан кўнгиллари таскин топар экан.

Ҳа, саҳоватпеша инсонлар бор экан, бу дунё ободдир. Эзгулик, яхшилик доимо ҳукмрондир.

Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Зангиота» қишлоқ фуқоролари йиғини раиси Солиххўжа ака Мирходжаев ҳам ана шундай ҳимматли инсонлардандир.

Солиххўжа ака ўзлари ҳақида кўпам гапиришни хоҳламайдилар. Шундай бўлса ҳам уларни гапга солиб, унча-мунча нарсаларни билиб

олдим. Уларнинг оталари сувчи бўлган эканлар. Ота ниҳоятда ҳалол, инсон бўлиб, тўрт қиз ва олти нафар ўғил фарзандларини ҳам шундай инсон бўлишга ўргатибдилар.

Бугунги кунда оиладаги тўнғич фарзанд, 52 ёшли Солиххўжа ака укаларига бош бўлиб, ҳайр-эҳсон қилишни одат қилганлар.

Яқинда олти нафар ака-ука атрофларида жойлашган 27-, 33-, 34-ва 35- мактабда бўлишди. У ердаги кам таъминланган оила болаларига 515 минг сўмлик дарелик совға қилишди. Дарсликни қўлига олган ўқувчиларнинг кўзларидаги қувончни кўрган ака-укалар ҳам болалар билан бирдек қувондилар.

-Биз болаларга бирни берсак, худо бизга мингни беради,- дедилар қувончдан Солиххўжа ака. Ўқувчиларнинг вазифаси фақат ўқиш. Ўқиш давомида эса соғлом, мустақил фикр юритишга ўрганишдир. Зеро, маънавияти соғлом бўлган инсонларнинг орзу-умидлари ҳам соғлом бўлади. Бу тажрибада синалган,- дедилар.

Солиххўжа ака сингари саҳоватпеша инсонлар ҳақида ўйлар эканман, олим Иброҳим Ҳаққулнинг ушбу мисралари қайта- қайта ёдимга тушди.

Ҳимматли бўлмоқ- покизалиқ, ҳиммат- қашшоқликда ҳам тубанлик қилмаслик, ҳар қандай вазиятда ҳам эл файзи ва роҳати учун қайғуришдир. Унинг чироғи - истироб. Инсон руҳида ана шу истироб нурлари порламаса, у ҳеч қачон холис ҳиммат кўрсата олмас экан.


Истардимки, барча инсонлар қалбида истироб чироғи ёниб турсин.

Феруза ОДИЛОВА.

БИЛАҒОН БОЛАЛАР ДИҚҚАТИГА

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билағон ва топағонлигингизни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: билимли бўлинг. Чунки осмонни юлдузлар, ерни эса билимдилар безар.



СОҒЛОМ МУҲИТ КЕРАК

Бугунги кунга келиб жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Техника ривожланган сари ҳар хил машина ва бошқа нарсалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу албатта қўвонарли хол. Лекин ҳаво заҳарланмоқда. Чунки ҳар хил заводларда чиқиндиларни сувга тўкиб юборишади. Бунини қарангки бу сувдан одамлар фойдаланишади. Бу эса аёллар соғлигига, ўсиб келаётган ёш авлодга таъсир қилмайдими?! Кўп ҳолларда, «Экология нима?» деган савол ўртага ташланади. Шунчалик бепарволикни қарангки, одамлар «Экология нима ўзи?» деб яна қайта савол беришади.

«Соғлом авлод» йилида келинг, дўстлар бирлашайлик. Қўлимиздан келган яхшиликни қилайлик. Табиатни, ўсимлик-ҳайвонларни, одамларни асрайлик.

Соғлом авлодга яхши муҳит яратиб берайлик.

Барно СОЛИҲОВА,
8-синф ўқувчиси.



ОЛИЙ НЕЪМАТ

Табиат! Табиат нақадар мафтункор, гўзал ва мўъжизакордир! Оллоҳ томонидан яратилган табиат бу атрофимизни ўраб турувчи, сир-саноатларга бой, гўзал борлик.

Табиат ҳақида фикр юритар эканман, беихтиёр кўз ўнгимда ватаним, мустақил ва обод юртим-Ўзбекистоним гавдаланади. Юртимиз табиати жуда гўзал ва хушманзара. Табиат ҳар бир юртининг, миллатнинг ўзига хос кўрки, фахридир. Шундай экан, мен ана шундай юртда, гўзал ва мўъжизакор, серқуёш табиатли миллатда яшаётганимдан жуда хурсандман ва фахрланаман.

Юртимнинг гўзал табиати ҳақида сўзладим. Лекин ҳозирги кунда бутун дунёни экология муаммолари ташвишга солиб келмоқда.

Буларнинг ҳаммасига одамлар, яъни бизнинг ўзимиз сабабчимиз. Одамлар шаҳарлар қурадилар. Ёғоч олиш мақсадида ўрмонлардаги кўплаб дарахтлар кесилади. Завод, фабрикалардан чиқаётган заҳарли газлар эса ҳавони заҳарламоқда. Дарахтларнинг кесилиши оқибатида қанчадан-қанча ўрмонлар барбод бўлмоқда. Республикамызда ҳавони муҳофаза қилиш ҳақида қонун қабул қилинган. Кўпгина корхоналарда чанг, қурм ва заҳарли газларни тутиб қоладиган қурилмалар ўрнатилган. Ҳавонинг тозаллигини назорат қилиб турадиган станциялар мавжуд.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, одамлар табиатнинг бой инъомларидан фойдаланибгина қолмай, балки унинг бойликларини янада кўпайтириши, уни муҳофаза қилиш

шарт. Менинг фикримча, табиатни яхши кўрган одамгина унинг бойликларидан оқилона фойдаланади ва уни ҳамиша асраб авайлайди. Келинг, ҳаммамиз ана шундай бўлишга, бетакрор табиатимизни ҳимоя қилишга ҳаракат қилайлик. Зеро, табиат Оллоҳ томонидан яратилган олий неъматдир!

Нафосат ФАЙЗИЕВА,
8-«В» синф ўқувчиси.

ИНСОНМИ ЁКИ ТАБИАТ

Бир юнон файласуфи «Табиат билан тил топ, шунда ҳеч вақт камбағаллашмайсан, сени одамларнинг фикр-мулоҳазалари эмас, табиат бадавлат қилади», - деган экан. Дарҳақиқат, бу гаплар жуда тўғри. Табиат ўзи нақадар гўзал манзара! Тип-тиниқ булоқлари, бири-бирдан гўзал гуллари, бир текис ўт-ўланлари, арчалар ортига бекиниб от-

ҳар хил жумбоқлар келиб чиқмоқда. Инсон табиатга нисбатан бефарқлиги туфайли Орол денгизи ҳам қуриб бормоқда. Ахир Орол ҳам табиат гўзаллигининг бир инъоми эди-ку! Эшитишимча, бундан юз йил аввал табиатда қандай ҳайвонлар яратилган бўлса, барчаси бўлган экан, ҳозирчи? Ҳозир ҳам шу ҳайвонлар борми? «Қизил китоб» варақлари кўпайиб, табиат кўйнидаги ҳайвонлар камайиб бормоқда. Ҳатто чумоли ҳам қизил китобга кири-тил-



рини ташламасалар ва шунга ўхшаш ифлосликларни қилмасалар; экологияни, табиатни асраб қолишимиз мумкин. Табиат кўм-кўк. Қушларнинг чуғурлашлари, сувларнинг шилдираб оқишлари билан одамга хузур бағишламайдими?

Мана, масалан, каналларнинг бўйлари, ариқларда ҳар хил чиқиндилар ётади. Одамлар ахлат ташлайдилар. Ахир бундай ифлослик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди-ку! Қачон ахлатлар учун қўйилган махсус идишлардан тўғри фойдаланамиз?

Насиба АБДУРАҲМОНОВА,
8-«В» синф ўқувчиси

АҚЛ КЎЗИМИЗ БОР-КУ!

Инсон табиатнинг ажралмас қисмидир. Қадим замонларда ҳам одамлар яшаши учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни овқат, сув, турар жой, кийим-кечакни табиатдан олган. Улар тупроққа ишлов бериб, ўсимлик етиштиришни ўрганишган, ёввойи ҳайвонларни қўлда ўргатишган: ер тагидаги фойдали қазилмаларни қидириб топишган. Жамият ривожланиб борган сари одамда табиат бойликларидан тобора кўпроқ фойдаланиш эҳтиёжи пайдо бўла борди. Натижада, ўрмонлар кесилиб, утлоқлар майдони қисқарди. Қўроқчилик оқибатида ерларни ўзлаштириш учун тобора кўпроқ сув ишлатилди.

Одамлар табиат бойликларини асло тугамайди деб уйлашган. Лекин бу катта хато эди! Одамлар бунинг кейин тушуниб қолдилар. Сайёрамыз табиатидан уйламай-нетмай фойдаланавериш фалокатга олиб келмоқда. Қушлар ва ҳайвонлар қирилиб кетмоқда, қўллар ифлосланиб, ботқоқликларга айланмоқда.

Жонли ва жонсиз табиатда ҳамма нарса бир-бирига узвий боғлиқлигини эгаллаши ёдда тутиш керак. Инсон табиат ҳаётига қўпол равишда аралашадиган бўлса, унинг қисмлари ўртасидаги боғланиш бузилиб кетиши мумкин. Масалан, ўрмон кесилса-ю, янги дарахтлар экилмаса, ундаги ҳайвонлар, қушлар ҳам қирилиб кетади ва бу жойлар аста-секин чўлга айланади. Бунинг олдини олиш учун кесилган дарахтларнинг ўрнига янгисини экиш лозим.

Яна бир муаммо - сувдир! Сув кўпинча эҳтиёт қилмасдан, тежалмасдан, пала-партиш сарфланади. Сирдарё билан Амударёдан орол денгизига кам сув қўйиладиган бўлиб қолди. Оролдаги сув қирғоқларидан тобора узоклашиб борган сари ер шўрланиб бормоқда. Денгизнинг теварак атрофида шўрхак ерли чўл пайдо бўлди. Бундай ўзгаришлар ўсимликлар ва ҳайвонлар учунгина ҳалокатли бўлмасдан, балки инсон ҳаёти учун ҳам зарардир.

Бизнинг дунёимиздан бетонлашиб қолган чиройли ва мусаффо табиатни яна ўзимиз ақл кўзимиз билан кўриб, қайтариб оламиз.

Ирода МАТМУСАЕВА,
8-«В» синф ўқувчиси.

ТАБИАТНИ АСРАШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШИМИЗ МУМКИН?
Ўқитувчининг қўлланмаси билан 8-синф ўқувчилари табиат мавзусида иншо ёзишди. Насиба иншолар таҳдидига қулоқ солиб ўтираркан, беҳосдан ўзини қизиқтириб юрган саволни ўртага ташлади: «Мана -Устоз, табиатни асраймиз, деб кўп гапираркан, бехосдан ўзини қизиқтириб юрган саволни ўртага ташлади: Мана куз келди. Атрофга боқиб ҳавасим келади: олтин япроқларни завқ билан томоша қиламан-у, кўчаларга тўкилган ахлат, ёниб ётган ҳазонларга қараб ажабланаман: -Нима учун одамлар бунга бепарво?! Насибанинг саволига бошқалар ҳам савол билан кўшилиб кетди. Шундан сўнг ўқитувчи мавзунини яна кенгайтирди: **ТАБИАТНИ АСРАШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШИМИЗ МУМКИН?**»



ган қуёш нурлари ... Бу гўзалликларни, атрофдаги барча ноёб нарсаларни асраб қолиш учун нима қилиш керак? Бу ҳақда кимлар қайғуриши керак?

Албатта, бу саволларга ҳар ким ҳам хил жавоб беради. Баъзи инсонлар ўзи яшаб турган жойни тозалаб кўз қорачиғидай асраса табиатни асрашга ҳисса қўшади дейишса, баъзилари эса «экология ва саломатлик» комиссияси тузилган, ана шулар қайғурсин, - дейишади. Бундай пала-партиш жавоблардан

ган. Бу нарсаларнинг ҳаммасига ким айбдор? Инсонми ёки табиат? **Абдуллаева Умида**
8-«В» синф ўқувчиси

ҚАЧОН?..

Экологияни асраш бу бизнинг, яъни инсонларнинг қулида деб уйлайман. Дарҳақиқат, одамлар ерларга музқаймоқ қоғозларини, ҳар хил ширинликларнинг чиқиндилар

БОШИНГА ҚИЛИЧ КЕЛСА ҲАМ, РОСТ ГАПИР

Одил шоҳнинг Элмурод деган ёлғиз ўғли бор экан. Элмурод 7 ёш бўлса ҳам етмиш ёшлиларни лол қолдирадиган даражада ёлғончи экан. Унга ёлланган энагаларни шоҳ кўп жазолабди, аммо фойдаси бўлмабди. Яна янги энага олибди ва унга «Сенга етти кун муҳлат, шу вақт ичида Элмурод ёлғончилигини тарк этсин, акс ҳолда сен бошинг билан жавоб берасан» дебди. Кунлар ўта бошлабди. Элмурод биронта ҳам ёлғон сўз ишлатмас эмиш. Еттинчи кун яқинлашганда шоҳ энагани чақириб, бунинг сирини сўрабди. Шунда энага: - Аввалги энагалар фарзандингизга устозинг айтганини қил, қилганини қилма, деб ўргатишган. Мен эса бунинг аксини қилаяпман, яъни ўзим қилганни қилдираяпман, - дебди.

Ҳа, устози қилганини қилиб, ҳамиша ундан ибрат олиб яшаган болалар чинакам тарбия топадилар. Ростлик самимият шундай шаклланади.

Зулфия АВЕЗОВА,
Тошкент шаҳридаги 273-мактаб ўқувчиси



سوپ دېر
اکانت...

O'RMON ERTAKLARI



Qalin o'rmonda bir Qarg'a yashar ekan. U judayam injiq bo'lib, har bir narsadan noligani-noligan ekan. Qishda qor ko'p yog'sa, Qarg'a:

-Voy-dod, sovuq qotib ketdim-ku! Bu qishga nima yomonlik qiluvdim-a, mendan o'chini olmasa?-deb qag'illarkan.

Bahorda yomg'ir yog'sa, Qarg'a eman shoxida shumshayib o'tirgancha yig'lashga tusharkan:

-Voy-voy-ey, ivib ketdim-ku!..

Yozda Qarg'a:

-Voy-dod, miyam qaynab ketyapti!-deb butun o'rmonga do'd solarkan.

Kuzda esa Qarg'aga daraxtlarning bargi to'kilishi yoqmas ekan.

Shu injiq fe'li uchun Qarg'ani o'rmondagi hayvonlar ham, qushlar ham yoqtirishmas, do'stlashishmas ekan. Qarg'a eman shoxidagi inida yolg'iz o'zi yashar ekan.

Bahor kunlarining birida qattiq shamol bo'libdi. Shamol



INJIQ QARG'A

zarbidan
xatto
zabardast
eman ham
silkinib ketibdi va

emish. Garchi, Qarg'ani yoqtirishmas h a

qo'shnilarining unga rahmi kelibdi.

Zag'izg'on, Qiziliston va Chittak maslahatlashib. Qarg'aga yangi uy qura boshlashibdi. Qo'shnilarining mehribonligidan

ta'sirlangan Qarg'a o'zining injiqligi va g'iybatchiligidan judayam uyalib ketibdi.

Shundan so'ng Qarg'a nolimaydigan va qo'shnilarini g'iybat qilmaydigan bo'libdi. Aksincha, u qo'shnilari bilan inoq bo'lib yashay boshlabdi. Chunki, u do'stlikda hikmat ko'pligini anglabdi.

Bir kuni Malika hovlida non yeb o'tirgan ekan. U nonning ushoqlarini yerga to'kib-sochib yebdi-da, ko'chaga chiqib ketibdi. Shu payt gilos shoxida o'tirgan Zag'izg'on yerga sochilib yotgan non ushoqlarini ko'rib qolibdi.

Non ushoqlarini to'kib-sochib yeydigan bolalarni juda yaxshi ko'raman-da,-deb shang'illabdi Zag'izg'on va yerga uchib tushib non ushoqlarini terib yeya boshlabdi.

Zag'izg'onning ayvonda uxlab

shang'illashidan yotgan mushuk uyg'onib ketibdi. Mushuk qarashakichovlida bir senuzgina chiroylikkina Zag'izg'on ushoq terayotganmish. ishtahasi ochilib vaqti ham, debdi. Zag'izg'onning pati qolibdi. Mushuk bog'zidagi patni jahl bilan yerga tupuribdi-da, sichqon tutgani omborxonaga jo'nab qolibdi.

Zag'izg'on esa dumidagi patlaridan ayrilib, gilos shoxida o'tirgancha o'ylarkan: "Ha, epchil bo'lg'in deb oyim to'g'ri aytarkanlar-da. Agar epchil bo'lmaganimda bormi, naq mushukka tushlik bo'lardim-da"...

Qalin qor yoqqan kunlarning birida Quyuncha inidan chiqibdi. U bo'ridan qo'rqib uch kundan beri inida bekinib o'tirgan ekan. Oxiri ochlikka chidayolmay, sovuqdan qalt-qalt titrab, u yoq bu yoqqa alanglagancha ovqat izlab o'rmonda tentirab ketibdi. Shu payt qarshisidan och Bo'ri chiqib qolibdi-ku!

Quyuncha qo'rqqanidan turgan joyida qotib qolibdi. Qochib ketay desa, oyoqlari qimirlamas emish.

-Ha, g'ilay, qalaysan?-debdi Bo'ri uzun - uzun qoziq tishlarini irjaytirib.

Sovuqdanmi yo qo'rquvdanmi, Quyunchaning tishlari bir-biriga urilib, taqillay boshlabdi. Shu payt uning tomog'idan «Ha!» degan tovush chiqibdi, keyin yana ikkita «Ha-Ha...» Bechora Quyuncha qo'rqqanidan kulib yuborgan ekan-da!

Bo'ri esa umrida kuladigan quyonni ko'rmagani uchun judayam qo'rqib ketibdi-da, orqasiga qaramay tiraqaylab qochib qolibdi. Quyunchaga esa kulish judayam yoqib qolibdi. Chunki, u kulganida qo'rquvni ham, ochlikni ham, xatto sovuqni ham unutar ekan... Quyuncha o'rmondagi hamma hayvonlarga kulishni o'rgatibdi. Endi kun bo'yi o'rmonda qah-qaha tinmas ekan. Bo'ri esa shuncha urinsa ham kulishni o'rgana olmabdi va uyalganidan o'rmondan qochib ketibdi. Shundan keyin Quyuncha hech kimdan xayiqmay, bemalol o'rmonda sayr qiladigan bo'libdi.

Qalin o'rmon ichida yashaydigan Ayiqchaga dadasi chana sovg'a qilibdi. Shundan so'ng Ayiqcha qish kelishini judayam orziqib kuta boshlabdi. Ammo qish kelib, qalin qorlar yoqqanida Ayiqchaning dadasi ham, oyisi ham uxlab qolishibdi. Chunki, ayiqlar qish bo'yi uxlab, bahordagina uyg'onishar ekan-da. Ayiqcha esa sirayam uxlayolmabdi. «Qish bo'yi uxlasam, chanada qachon uchaman?» deb o'ylarkan u.

Ayiqcha uyasidan boshini chiqarib, tashqariga mo'ralabdi. Qalin qor yoqqan o'rmonda Tulkichaning bir o'zi o'ynab yurganmish. Ayiqcha chanasini olib, tashqariga chiqibdi. Uni ko'rib, Tulkicha xursand bo'libdi.

-Chanangda uchsam maylimi?-deb so'rabdi u.

-Yo'q, sindirib qoyasan,-debdi Ayiqcha chanasini orqasiga berkitib.

-Voy, men ozg'inginaman-ku, qanday qilib sindiraman?-debdi Tulkicha ajablanib va hafa bo'lib ketib qolibdi.

Ayiqcha chanasini ko'targancha qayoqqa borishini, kim bilan o'ynashini bilolmay turganida bir bog' o'tin ko'tarib kelayotgan Bo'riga

uchrab qolibdi. -Ayiqcha, kel, shu o'tinlarni sening chanangda tashib olaqolay,-debdi u xursand bo'lib.

Ayiqcha unga javob ham bermay, xo'mraygancha nari ketibdi. Qarasa, Quyon xola o'g'li quyunchani ko'targancha terlab-pishib kelayotganmish. U Ayiqchani ko'rib xursand bo'lib ketibdi.

-Voy, Ayiqcha,

yaxshi uchrab qolding,-debdi u. -O'g'lim kasal, shamollab qolibdi. Kel, uni sening chanaangga yotqizib, tezgina do'ctor Boyqush xolanikiga olib boramiz.

«Namuncha hammalari mening chanamga yopishib olishmasa?», deb o'ylabdi Ayiqcha va uyasiga kirib ketibdi.

Ertasi kuni u yana tashqariga mo'ralabdi. Qarasa, Tulkicha, Bo'richa

va Quyuncha qorbo'ron o'ynashayotgan ekan. U chanasini olib, ularning oldiga chiqibdi. Lekin, unga hech kim qaramabdi.

-Men ham sizlar bilan o'ynay,-debdi Ayiqcha.

-Biz qizg'anchiq bilan o'ynamaymiz,-debdi Tulkicha.

Ayiqcha rosayam uyalib ketibdi.

-Men endi qizg'anmayman, mana chanamda ucha qolinglar,-debdi u.

-Sening chanangsiz ham juda yaxshi o'ynayapmiz,-debdi Bo'richa va quvalashib ketayotgan Quyuncha bilan Tulkicha tomon chopibdi.

Ayiqcha uyalganidan qizarib ketibdi, nima qilarini bilmay ancha vaqt qaqqayib turibdi. Sovuq badanidan o'tib ketganidan so'ng uyasiga kirib, o'ringa yotib olibdi.

Ayiqcha zerikib yota-yota oxiri uxlab qolibdi. Tushida esa qorbo'ron o'ynayotgan Tulkicha, Bo'richa va Quyochani ko'ribdi. Uning chanasini esa devorda osig'liq turgancha tashqariga mo'ralar va qachon Ayiqcha uni olib chiqib, qorda sirg'anishini kutgancha qishni o'tkazar ekan.

Gulnoz TOJIBOYEVA,
Sirg'ali tumanidagi
252-maktabning 4-sinf o'quvchisi.

ТОШКЕНТ
МАТБОО

Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат АҲМЕДОВ,
Йулдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Комил ЮСУПОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусада босилди. Ҳажми 2
босма табоқ,
Буюртма - К-8399
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Феруза ОДИЛОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.
Индекс 198
Тел: 144-62-34.

